

8-синф ўқувчилари учун саводхонлик матни

Қасым Тыныстанов

Киришни ўқинг

Айсулуга мактабда Давлат Тили кунига бағишланган тадбирга Қасым Тыныстанов ҳақида маъруза тайёрлаш топшириғи берилди. У А.Б.Болпонованинг 2011 йилда нашр этилган "Қ. Тыныстанов - олим ва давлат арбоби" китобини ўқиди ва маъруза тайёрлади.



КАСЫМ ТЫНЫСТАНОВ

Қасым Тыныстанов

Қасым Тыныстанов (1901–1938) Иссиқ кўлнинг Чырпыкты кишлоғида туғилган. Унинг таржимаи ҳолига кўра, Қасымга Араб тилини ўқиш ва ёзишни деҳқон бўлган отаси ўргатган. Кейинчалик Қасым кишлок мулласи кўлида, ўзбек бошланғич мактабида ва Қоракўлдаги рус мактабида ўқиди. У ўзининг қизиқувчанлиги, қатъиятлилиги ва билимга чанқоқлиги билан ажралиб турарди.

У ўз ватанида муносиб таълим ололмастлигига ишониб, 1919 йилда Алма атага пиёда жўнаб кетди. У ерда уни Тошкентдаги Қозоғистон билим юртига жўнатишади. Талаба сифатида Қ. Тыныстанов жуда қийин вазифани - Араб графикаси асосида миллий алифбонинг биринчи версиясини ишлаб чиқишни ўз зиммасига олади.

"Биринчи" сўзи кўпинча Қасым Тыныстанов билан боғлиқ. 1921 йилда у соғлигини яхшилаш учун уйига кетади ва ўзини драматург сифатида синаб кўради, биринчи қирғиз театр гуруҳини ташкил қилади. У қирғиз тилида театрлаштирилган сахна кўриниши учун биринчи сценарийни ёзади. Қасым биринчи бўлиб И.А.Криловнинг масалларини қирғиз тилига таржима қилди. Кейинчалик у ўзи яхши билган ва севган "Манас" достонини рус тилига таржима қилишга ташаббус кўрсатади. Унинг шеърлари ва насрлари Қозоғистон газеталарида нашр этилган.

О.Алиев ва Б.Данияров билан биргаликда Қирғизистонда коммунистик партия учун биринчи бўлиб "Эркин Тоо" ("Эркин тоғ") газетасини яратади. Унинг биринчи сони 7 ноябрь кунини нашр этилган. 7 ноябрь - қирғиз тили ёзувининг пайдо бўлган кунини ва оммавий ахборот воситачилари, нашриётчилар ва матбаа ходимларининг касб байрами ҳисобланади.

1925 йилда Қ.Тыныстанов "Ала-Тоо" газетасининг муҳаррири бўлди. 1927-1930 йилларда Республика маориф комиссари, 1930-1937 йилларда Қирғизистон Педагогика институтида тарих ва қирғиз тилидан дарс берган, шундан сўнг Қирғизистон маданият ва қурилиш институтига директор қилиб тайинланади.

Қасым Тыныстанов қирғиз тили ёзувининг ривожланишига беқиёс ҳисса қўшди. Аввал у ҳамфикрлари билан биргаликда Араб алифбосини қирғиз тилига мослаштиради ва "Эне тилибиз" ("Она тилимиз") дарслигини нашр этади. Кейин арабча графикани лотин графикасига ва бир неча йил ўтгач - лотин графикасини кириллчага ўтказган.

Ёзувни яратишда тилшунос дарҳол ёзувни қандай ўргатиш ҳақида ўйлайди. Қ.Тыныстанов биринчи алифбо ва ўқиш китобини тузади. Қирғиз тили грамматикасининг назарий асосларини ишлаб чиқади, асосан қирғиз лексикасига асосланган терминологияни таклиф қилади (бу жуда муваффақиятли бўлиб чиқади: у таклиф қилган атамаларнинг тахминан 90% бугунги кунда ҳам қўлланилмоқда) ва "Қирғиз тили грамматикаси" ни нашр этади. Шу билан бирга педагогика институтлари учун дарсликлар ва ўқув дастурларини ишлаб чиқади. Малакали ўқитувчиларни тайёрлашга ёрдам берадиган биринчи "Жаны Маданият Жолунда" ("Янги маданият йўлида") номли қирғиз илмий ва ўқув журнали нашрида қатнашади. Ва ниҳоят, у фалсафа, ижтимоий фанлар ва зоология каби турли илмий соҳалар учун терминологик луғатларни яратади.

Қасым Тыныстановнинг ҳаёти жуда эрта тугади. Бугунги кунда Иссиқ-кўл Давлат университети, Бишкекдаги кўча унинг номи билан аталади. Унинг портретини 10 сўмлик миллий банкнотда кўриш мумкин. Қ.Тыныстанов мамлакат тарихида биринчи қирғиз профессори бўлди.

1-топширик.

Ўнг томонда жойлашган Айсулуунинг маърузасини ўқинг. Саволга жавоб бериш учун тегшли жавоб вариантини танланг.

Сиз ўқиган матнга асосланиб, Айсулуу танлаган маърузанинг асосий мавзусини аниқланг.

Битта тўғри жавобни танланг.

- А) Қасым Тыныстановнинг ҳаёти ва ижоди.
- Б) Қасым Тыныстановнинг давлат арбоби сифатида тақдири.
- В) К. Тыныстановнинг таржимаи ҳоли ва унинг қирғиз тили ёзувини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси.
- Г) Буюк шоир ва ёзувчи Қасым Тыныстановнинг ҳаётий ҳикояси.

2-топширик.

Ўнг томонда жойлашган Айсулуунинг маърузасини ўқинг. Саволга жавоб бериш учун тегшли жавоб вариантини танланг.

Айсулуунинг маърузасида Қирғизистонда фан ва маданиятнинг турли соҳаларида фидойлик кўрсатган К.Тыныстановнинг ҳиссасини таъкидлаш керак эди. У нимани таъкидлаши керак эди?

Барча тўғри жавобларни танланг.

- А) У театрнинг асосчиларидан бири эди.
- Б) У биринчи биринчи алифбосини ва алфавитини яратди.
- В) У қирғиз тилини ўқитиш тизимини қурди.
- Г) У қирғиз фалсафасининг ривожланишига ҳисса қўшган.

3-топширик.

Ўнг томонда жойлашган Айсулуунинг маърузасини ўқинг. Саволга жавоб бериш учун матндан керакли қисмни ажратиб олинг ёки матндан бир жумлани ёзинг.

Матнда айтилишича, у ўзининг қизиқувчанлиги, қатъиятлилиги ва билимга чанқоқлиги билан ажралиб турарди.

Буни қандай факт тасдиқлайди?

Матндаги битта жумланинг тагига чизинг (таъкидланг).

Ёки

матндан битта жумлани ёзинг.

4-топширик.

Ўнг томонда жойлашган Айсулуунинг маърузасини ўқинг. Саволга жавоб бериш учун тегшли жавоб вариантини танланг.

Биринчи қирғиз газетасининг номи нима эди?

Битта тўғри жавобни танланг.

- А) "Жаны Маданият Жолунда"
- Б) "Эркин Тоо"
- В) "Ала-Тоо".
- Г) "Эне тилибиз"

5-топширик.

Ўнг томонда жойлашган Айсулуунинг маърузасини ўқинг. Саволга жавоб бериш учун тегшли жавоб вариантыни танланг.

Мақола мазмунига қандай баёноتلар мос келади?

Ҳар бир баёнот учун "тўғри" ёки "нотўғри" белгисини қўйинг.

Баёнот	тўғри	нотўғри
Қасым Тыныстанов ўқитувчининг ўғли эди.		
Қасым Тыныстанов қирғиз алифбосини уч марта ишлаб чиқишга тўғри келди.		
Қасым Тыныстанов ёзувнинг барча соҳалари билан шуғулланган: бадий сўз, илм-фан, журналистика.		
Бишкекдаги университетга Қасым Тыныстанов номи берилган.		

6-топширик.

Ўнг томонда жойлашган Айсулуунинг маърузасини ўқинг. Саволга жавоб беринг.

Қасым Тыныстанов қирғиз тилига ҳарфлардан ташқари янги нималарни киргизган?

Саволга жавобни ёзинг.

7-топширик.

Ўнг томонда жойлашган Айсулуунинг маърузасини ўқинг. Қуйида келтирилган қўшимча маълумотларни ўқинг. Тўғри жавобни белгиланг ва изоҳ беринг.

Электрон ҳисоблаш машиналари инглиз тилида "компютер" номини олган, "компютер" сўзи "Ҳисоблагич" деган маънони англатади, computare — "ҳисоблаш". Рус тилига бу сўз киргизилган.

1955 йили Французлар компютер учун ўз сўзларини ҳам ишлаб чиқдилар - *ординатёр* (ordinateur), яъни "тартибга келтирадиган нарса", француз тилида тартиб *ordre*.

Сизнингча, Қасым Тыныстанов терминологияни ривожлантириш тамойилларига асосланиб, қирғиз тилидаги янги ҳодисани белгилашнинг қандай усулларини қўллаб қувватлаган?

Битта жавобни белгиланг ва тушунтиринг.

- русча
- французча

Изоҳлаш:
